

# ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР



№ 2, 2021  
апрель

<p><b>Муассис:</b> Бухоро давлат университети <b>Фан ва таълим МЧЖ</b> <i>Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида</i> Гувоҳнома рақами 8882. 06.10.2020</p> <p><b>Бош муҳаррир:</b> Маъмуров Баходир Бахшуллаевич</p> <p><b>Жамоатчилик кенгаши раиси:</b> Хамидов Обиджон Хафизович, Бухоро давлат университети ректори.</p> <p><b>Тахририят кенгаши раиси:</b> Махмудов Мэлс Хасанович</p> <p><b>Масъул котиб:</b> Акрамова Гулбахор Ренатовна</p> <p><b>Тахририят манзили:</b> Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчаси, 16-уй.</p> <p><b>Телефон:</b> +998(90)744-00-22</p> <p><b>Е-mail:</b> <a href="mailto:eirjurnal2020@gmail.com">eirjurnal2020@gmail.com</a></p> <p><b>Журналнинг электрон сайти:</b> <a href="http://www.interscience.uz">www.interscience.uz</a></p> <p>ОАК Раёсатининг 2021 йил 4 июндаги 300/6-сон қарори билан педагогика фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий илмий нашрлар руйхатига киритилди.</p>	Техника фанлари	
	D.M. Umarova, S.A. Tursunbayev. Borlash kimyoviy-termal ishlov berish jarayoni sifatida	6
	Филология фанлари	
	С. Р. Акрамова. Жамол Камол шеърларида ўзбекча-тожикча лексемалар семантикасида муштараклик	14
	Б. М. Саидов. Применение информационных технологий в образовательном процессе как инновационная деятельность учителя русского языка	24
	Педагогика фанлари	
	Б. Б. Маъмуров., Б. Б. Маъмуров. Физическая активность и развитие интеллекта человека	35
	О. Г. Филиппова, Ю. А. Буслаева. Эколого-экономическое воспитание детей старшего дошкольного возраста	41
	А. Махмудов, А. Камилова. Шахматы в школах узбекистана: проблемы и решения	50
	Ҳ. О. Жўраев. Табиий фанлар ўқув машғулотида интеграциялашган медиатаълим воситаларидан фойдаланиш	59
	I. E. Davronov, T. Sh. Ergasheva. Darsdan tashqari tarbiyaviy ishlar jarayonida o'quvchilarda ijodiy tafakkurni shakllantirish	66
	Ф. И. Мамурова Ахборотлашган таълим контекстида курувчи-муҳандислар профессионал компетентлигини такомиллаштириш	73
	М. К. Maxmudov. Jismoniy mashqlar orqali shaxsning intellektual qobiliyatini rivojlantirish borasida tarixiy tajribalar	80
G. A. Ergasheva Kichik yoshdagi bolalarni oilada erkin fikrlashga o'rgatish afzalliklari	87	

Г.С.Кинжаева. Касбий - педагогик таълим жараёнида талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг меъёрий - ҳуқуқий ва методологик асослари	94
F. M. Murodov. Matematika fanini o'qitish jarayonida o'rta osiyolik qomusiy olimlarning ilmiy merosidan foydalanish texnologiyasi	100
D. S. Karimova. Oila va oilaviy tarbiya haqidagi tarixiy-falsafiy qarashlar rivoji	108
Психология фанлари	
М. Бафаев. Социально-психологические детерминанты формирования национальной толерантности в молодежной среде	115
Sh. R. Samarova Bo'lajak o'qituvchilarning kreativligini oshirishda artpedagogika va artterapiyaning mohiyati	129
Т. Қ. Толипова. Мактабгача ёшдаги болаларда оилани кадрлаш туйғусини шакллантириш	138
Ж. Н. Худойқулов. Ўқитувчининг педагогик тафаккурини инновациялар воситасида ривожлантириш технологияси	145
А. Т. Бабоев. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанидан ўқувчиларнинг кўникмаларини шакллантириш тузилмаси	151
М. Z. Sharipova, J. A. Begjanova. Talabalarning aqliy mustaqilligini shakllantirish muammolari	155

## ТАБИЙ ФАНЛАР ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН МЕДИАТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Ҳ. О. Жўраев,**

Бухоро давлат университети Физика-математика факультети  
декани, педагогика фанлари доктори, доцент

***Аннотация:** Мазкур мақолада таълим тизимининг турли бўғинларида машғулотларни таъкил қилишда, ўқувчиларнинг ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштириши имкониятларини кенгайтириши мақсадида турли интеграциялашган медиатаълим воситаларидан фойдаланиш имкониятлари баён қилинган. Шунингдек, машғулотларни интеграциялашган медиатаълим асосида таъкил этиши модели тўғрисида фикрлар ёритилган.*

***Калит сўзлар:** медиатаълим, таълим тизими, ўқув материали, модель, машғулот, интеграциялашган медиатаълим воситалари*

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕГРИРОВАННЫХ ИНСТРУМЕНТОВ МЕДИАОБРАЗОВАНИЯ В ПРЕПОДАВАНИИ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

**Х. О. Джураев,**

Декан физико-математического факультета Бухарского  
государственного университета, доктор педагогических наук, доцент

***Аннотация:** В данной статье рассматриваются возможности использования различных интегрированных инструментов медиаобразования с целью расширения возможностей для студентов в полной мере усвоить учебные материалы при организации занятий в различных звеньях системы образования. А также есть идеи о модели организации уроков на базе интегрированного медиаобразования.*

***Ключевые слова:** медиаобразование, система образования, учебный материал, модель, обучение, интегрированные инструменты медиаобразования.*

## USE OF INTEGRATED MEDIA EDUCATION TOOLS IN SCIENCE TEACHING

**H. O. Jo'raev,**

Dean of the Faculty of Physics and Mathematics of Bukhara State University, Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor

**Abstract:** *This article examines the possibility of using various integrated media education tools in order to expand opportunities for students to fully assimilate educational materials when organizing classes in various parts of the education system. And also there are ideas about a model for organizing lessons based on integrated media education.*

**Key words:** *media education, education system, educational material, model, training, integrated media education tools.*

Бугунги кунда республикамиз таълим тизимининг турли бўғинларида машғулотларни ташкил қилишда, ўқувчиларнинг ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида турли интеграциялашган медиатаълим воситаларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, медиатаълим деб, фақатгина, шундай лойиҳаларни аташ мумкинки, улар фақат махсус ўқув мақсадларида (таъсисчи, тарқатиш соҳаси, аудитория, фаолият кўлаמידан қатъи назар), яратилган бўлиши, шунингдек, таълим муассасалари томонидан жорий (шундай аталган таълим муассасаларининг корпоратив матбуоти) этилган бўлиши керак [ 5, б. 17 ]. Охиргиларига нисбатан шуни айтиш жоизки, улар ҳаракат қилишнинг тижорат механизмлари (рекламани жалб этиш, ўз ишининг устаси бўлган мутахассислардан фойдаланиш, штатда бўлмаган муаллифлар меҳнатига ҳақ тўлашни киритиш ва ҳ.к.)дан фаол фойдаланишлари мумкин; шунга қарамай, таълим муассасалари ичида ҳаракатланиши ва уларнинг ўқувчилар контингентига потенциал таълим-тарбиявий ўзаро ҳаракати ҳисобга олинishi-уларга, медиатаълим тавсифини беради.

Мутахассислар медиатаълим вазифаларини қуйдагиларга ажратадилар.

Биринчидан, “Ахборот қидируви” амалга оширилиши талаб этилади, у ўз ичига қуйдаги вазифаларни қамраб олади: қидирув мақсадини қўйиш; китоб бобидан фойдаланиш; предметли, номли кўрсаткичлар ва бошқалардан фойдаланиш; анъанавий кутубхона кўрсаткичидан фойдаланиш; қидирув Web тугунларига сўров тузиш.



Иккинчидан, “олинган маълумотдан маъносини топиб, уларни изоҳлаш ва танқидий таҳлил қилиш” талаб этилади, уни амалга ошириш қуйидаги кетма-кетликда бажарилиши талаб қилинади.

Ахборотда асосий маънони топиб ажратиш; ноаникликлар ва хатоликларни топиш; ахборот учун замин яратиш; яширин маънони топиш;

хабар муаллифининг дунёқарашини тушуниш; алоқа мазмунини топиш.

Учинчидан, “янги мазмунлар яратиш ва уларни ахборот хабар шаклида тақдим этиш” талаб этилади, уни амалга ошириш қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:

хабар(аудитория)нинг тайинланиши, мазмуни, шакли мутаносиблиги; воқеа, ҳодисаларни шахсий кузатувлар асосида хабарлар тузиш; бошқа ахборотлар асосида ахборотлар тузиш; ахборотни тақдим этиш шаклини ўзгартириш (визуал-вербал); белгилар тизимини ўзгартириш; қабул қилинган меъёр ва қоидаларга асосан, ахборотни қайд этиш ва ахборот ташувчини танлаш [ 2, б. 152 ].

Дарс жараёнида ўқув мақсадлари ва қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда, медиатаълим вазибаларини амалга ошириш бўйича ўқитувчи томонидан ўқувчиларга услубий тавсиялар бериб борилади.

Медиатаълимни ўқув жараёнида қўллаш соҳага мутахассисларнинг диққат марказида бўлиб, уни ҳозирги инновацион ва ахборот технологиялари шароитида қандай методлар асосида ўқитиш, медиатаълимни қандай ўқитиш шаклларида фойдаланиш тўғрисида фикр юритиш талаб этилади.

Ахборот маданияти умумий маданиятнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Дунёни ахборот оқими қомига тортган, инсоннинг ақл-идроқи, дунёқарашини, илми-ю салоҳияти унинг нечоғлиқ кўп ахборотга эга эканлиги билан ўлчанаётган бир пайтда одамларнинг ахборот олишларига тўғаноқ бўлишга уриниш ақлсизлик бўлур эди, албатта. Ҳозирги ахборот уммонида фарқ бўлиб кетмаслик ҳақида қайғурмасликнинг иложи йўқ... ахборотнинг зарурини нозаруридан, фойдалисини бефойдасидан фарқлай билиш умуминсоний маданиятнинг ажралмас бир бўғини – ахборот маданиятини шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқда [1, б. 44].

Олиб борилган изланишлари натижасида интеграциялашган медиатаълимга қуйидагича “Дунёни билишда, инсон тафаккури тараққиётида фан, таълим ва техника интеграциясига оид маълумотларни замонавий оммавий ахборот воситалари ёрдамида узатиш ва қабул қилиш” – деб таъриф бердик.

Табиий фанлардан дарс машғулоти жараёнида таълим

олувчиларнинг фан дастурлари асосида берилиши лозим бўлган билимлар мазмуни билан таништиришда фақатгина дарслик, ўқув қўлланмаларда берилган ўқув материаллари билан таништириш орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Фан-техника жадал тараккий этиб, табиий фанлар ривожланиб бораётган ҳозирги даврда дарслик, ўқув қўлланмаларда келтирилган маълумотлар билан таълим олувчиларни фан-техника ютуқлари билан ўз вақтида таништириб, зарур билимлар билан қуроллантиришда медиатаълим-дан фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Табиий фанлар мазмунини ташкил этадиган таянч тушунчалар, далиллар, қонуниятлар, тажриба ва кузатишлар тўғрисида зарур билимларни эгаллашлари учун медиатаълим воситаларидан педагогик технологиялар сифатида фойдаланишни тақозо этмоқда.

Медиатаълим табиий-илмий фанлар билан интеграциялашганда, ўқув фани циклининг мақсади орқа ўринга ўтиб қолмаслиги лозим. Бирор-бир қўшимча компонент киритилишига, фақатгина бу компонент ёрдамида фанда ривожланиш содир бўлгандагина йўл қўйиш мумкин. Бундай ривожланиш медиатаълим интеграцияси натижасида икки шаклда юзага чиқади. Бир томондан, медиа-масса хабарларидан ўқув воситаси ва ўрганиш объекти сифатида фойдаланиш-билимлар мустақамлиги ва англаштини оширишга йўналтирилган бўлиши зарур [4, б. 19].

Таълим олувчиларнинг табиий-илмий билимларидан уларни дунёдаги фан-техникага оид янгиликлар, атроф муҳит ҳодисаларини тушунтириш ва ОАВ хабарларини танқидий таҳлил этишда фойдаланиш лозим.

Олиб борилган изланишлар ҳамда табиий фанлар дарсларини ўқитишга қўйиладиган талабларни эътиборга олган ҳолда, 1-расмда таълим жараёнини интеграциялашган медиатаълим асосида ташкил этиш модели ишлаб чиқилди. Ушбу модел фанларни ўқитиш методикаси бўйича тузилган моделларга қўшимча тўлдирувчи сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Машғулотларни интеграциялашган медиатаълимда асосида ташкил этиш моделини ишлаб чиқишда қуйидагилар эътиборга олинди: таълим жараёнида фойдаланиладиган ўқув-меъёрий хужжатлар, ўқув мақсадлари, интеграциялашган медиатаълим, ўқитувчиларнинг фанга оид маълумот, ахборотларни излаши, фан бўйича тушунчалар, янги сўзларни изоҳлаш ва таҳлил қилиш, янги мазмундаги ахборотларни ёритиш ва уларни тақдим қилиш, ўқувчиларнинг уйга вазифа ва топшириқларни медиатаълим восита-ларидан фойдаланиб бажаришлари, фан бўйича билим, малака, кўникма ва малакаларни медиатаълимдан фойдаланиб эгаллашлари, медиатаълим воситаларидан фойдаланиб турли ижодий ишлар ярата олишлари.



1-расм. Машғулотларни интеграциялашган медиатаълим асосида ташкил этиш модели

Таълим берувчининг вазифаларига фанга оид маълумотлар ва ахборот-ни излаш, фан бўйича янги термин (тушунчалар)ни изоҳлаш ва таҳлил қилиш, янги мазмундаги ахборотни ёритиш ва тақдим қилиш киритилади. Таълим олувчининг вазифалари эса уйга вазифа ва топшириқларни медиатаълим воситаларидан фойдаланиб бажариш, фан бўйича билим, кўникма ва малакаларни медиатаълим орқали эгаллаш, медиатаълим воситаларидан фойдаланиб турли ижодий ишларни бажариш сифатида белгиланади. Ўқитувчи ҳар бир мавзу мазмунидан

келиб чиқиб, таълим олувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда улар томонидан амалга ошириладиган вазифаларни бажариш учун тегишли кўрсатмалар бериши назарда тутилган.

Глобаллашув сари бораётган ҳозирги дунёда давлатнинг халқаро рақобат жараёни шартларига тез мослашуви унинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Бунда юксак тараққий этган давлатларнинг асосий устунлиги - таълим тизимининг ҳолати билан аниқланадиган, шахсни ривожлантириш имкониятлари мавжудлигига боғлиқ [ 3, б. 12 ].

Бугунги кун ўқувчиси билим, кўникма, малакаларни эгаллаш баробарида уларни амалиётда тўғри қўллаш олиши ҳам лозим. Таълимда компетенциявий ёндашув, бу ўқувчиларни эгаллаган турли типдаги малакаларини шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётларида учрайдиган вазиятларда самарали равишда қўллашга ўргатишдир.

Кундалик ҳаётда учрайдиган ва ҳаётининг фаолиятининг ҳавфсизлигини таъминлашда амалий масалаларни ечишда эгаллаган билим ва кўникмаларидан фойдалана олади.

Компетенция – билим, кўникма, малака, қарашлар, қадриятлар ва шахсий сифатлар квалификациянинг намоён бўлиши ёки таъсир кўрсатиш қобилияти ёки билим, кўникма, малака, қадрият, бошқа шахсий сифатлар, ижобий натижаларни фаолиятда кўриниши.

Компетенция компонентларига – самарадорлик, мослашувчанлик, ютуқлилиқ, муваффақиятлилик, тушунувчанлик, натижалилик, уқувлилиқ, хосса, хусусият, сифат, миқдор қабилар киритилади.

Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли хусусий компетенциялар ҳам шакллантирилади.

Юқорида келтирилган машғулотларни интеграциялашган медиатаълим моделидан фойдаланиш ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятини оширади, ўқувчилар илмий дунёқарашининг шаклланишида, уларнинг мантикий фикрлаши, ижодий қобилиятларини ривожлантиради, мавзунини ўзлаштиришда вақтни тежайди, ўқувчи билиминини бойитади, мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантиради, ўқув-тарбиявий жараёнини такомиллаштиришда ва уни оптимал ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.





Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дўстмуҳаммад Х. Ахборот мўъжиза, жозиба, фалсафа. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013, – 317 б.
2. Журин А.А. Интегриривоннаго медиаобразование в средней школе. –Москва: Бином, 2013. –С. 405.
3. Жўраев Ҳ.О. Муқобил энергия манбаларига оид маълумотларни ўқитишда медитаълим воситаларидан фойдаланиш. Монография. – Бухоро: 2017. – 160 б.
4. Фатеева И.А. Медиаобразование: теоретические основы и опыт реализации. – Челябинск: Изд-во Челяб. гос. ун-та, 2007.– 270 с.
5. Федоров А.В. Медиаобразование и медиаграмотность. – Таганрог: Изд-во Кучма, 2004. – 340 с.